
РИШТОНДА ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ИШТИРОКИДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Мамажонов иштирокида фуқаролар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш мақсадида Риштон туманида фуқаролар учун сайёр қабул ўтказилди.

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган сайёр қабулда туман секторлари раҳбарлари, Халқ қабулхонаси мудирлари, ҳоким ўринбосарлари, масъул ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳам иштирок этиб, фуқароларнинг мавжуд муаммолари ва таклифлари ўрганилди.

Қабулда 20 дан зиёд масалалар юзасидан мурожаатлар қабул қилинди. Мурожаатлар асосан банк кредити, ер ва коммунал масалалар юзасидан эканлиги кузатилди.

Сайёр қабулда мавжуд масалалар шу жойнинг ўзида масъул ташкилот раҳбарларига йўналтирилди. Уларни тегишли тартиб ва имтиёзлар бўйича ижобий ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-25 21:20:20